



АЙЛАНМАДАН СОЛИҚ ЧЕГАРАСИНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ ЗАРУРАТИ

и.ф.д., профессор Исаев Фахриддин Икромович
ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
ORCID: 0000-0001-7760-5866
faxriddin87@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда айланмадан солиқ қўлланиладиган айланма чегарасининг иқтисодий самарадорлиги ва адолатлилиги масалалари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, айланма чегарасининг инфляцияга мослаштирилмаслиги солиқ юкининг яширин равишда оғирлашувига, солиқ адолати тамойилининг заифлашувига ҳамда кичик бизнес ривожланишига тўсқинлик қилувчи институционал тўсиқлар шаклланишига олиб келмоқда. Мақолада айланмадан солиқ режимида чегараларни инфляцияга автоматик индексация қилиш, уларни қайта калибрлаш ва тадбиркорлар учун босқичли ўтиш механизмларини жорий этиш бўйича илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Айланмадан солиқ, солиқ адолати, инфляция, айланма чегараси, кичик бизнес, солиқ сиёсати, яширин солиқ юки, солиқ ислоҳоти, индексация механизми.

НЕОБХОДИМОСТЬ ПЕРЕСМОТРА ПОРОГА НАЛОГА С ОБОРОТА

д.э.н., профессор Исаев Фахриддин Икромович
Научно-исследовательский центр «Научные основы и проблемы развития экономики Узбекистана» ТГЭУ
Международной академии исламоведения Узбекистана

Аннотация. В статье анализируются вопросы экономической эффективности и справедливости порога налога с оборота, применяемого в Узбекистане. По результатам анализа, неспособность адаптировать порог оборота к инфляции приводит к скрытому увеличению налогового бремени, ослаблению принципа налоговой справедливости и формированию институциональных барьеров, препятствующих развитию малого бизнеса. В статье разработаны научно-практические предложения по автоматической индексации порогов к инфляции в режиме налога с оборота, их перекалибровке и внедрению поэтапных переходных механизмов для предпринимателей.

Ключевые слова: налог с оборота, налоговая справедливость, инфляция, лимит оборота, малый бизнес, налоговая политика, скрытое налоговое бремя, налоговая реформа, механизм индексации.

THE NEED TO REASSESS THE TURNOVER TAX THRESHOLD

PhD, Professor **Isaev Fakhridin Ikromovich**

Research Center "Scientific Foundations and Problems of the Development of the Economy of Uzbekistan" at TSUE
International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract. This article analyzes the issues of economic efficiency and fairness of the turnover tax threshold applied in Uzbekistan. According to the results of the analysis, the failure to adapt the turnover threshold to inflation leads to a hidden increase in the tax burden, a weakening of the principle of tax fairness, and the formation of institutional barriers that hinder the development of small businesses. The article develops scientific and practical proposals for the automatic indexation of the thresholds to inflation in the turnover tax regime, their recalibration, and the introduction of phased transition mechanisms for entrepreneurs.

Keywords: turnover tax, tax justice, inflation, turnover limit, small business, tax policy, hidden tax burden, tax reform, indexation mechanism.

Кириш.

Солиқ тизими иқтисодиётда давлат ва бизнес ўртасидаги асосий молиявий муносабатларни тартибга солувчи муҳим институционал механизм ҳисобланади. Айниқса, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган махсус солиқ режимлари тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш, иш ўринлари яратиш ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида жорий этилган айланмадан олинадиган солиқ режими кичик бизнес учун солиқ маъмуриятчилигини соддалаштиришга хизмат қилувчи муҳим инструмент сифатида қаралади.

Айланмадан олинадиган солиқ режими ўз моҳиятига кўра, солиқ солиш объекти сифатида фойда ёки қўшилган қийматни эмас, балки товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан олинган умумий даромадни назарда тутаяди. Бу эса ҳисоб-китоб ва ҳисобот юритиш жараёнларини энгиллаштириб, кичик бизнес субъектларининг маъмурий харажатларини камайтиришга хизмат қилади. Бироқ айланмага асосланган солиқ солиш механизми иқтисодий муҳитдаги инфляция жараёнларига нисбатан сезгир бўлиб, солиқ қўлланиладиган чегараларнинг узоқ муддат давомида ўзгармаслиги муайян иқтисодий номуносивликларни юзага келтириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган Солиқ кодексига мувофиқ, айланмадан олинадиган солиқ режимида солиқ тўловчилар қаторига солиқ даврида товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан олинган жами даромади 1 миллиард сўмдан ошмаган юридик шахслар, шунингдек, даромади 100 миллион сўмдан ошган, бироқ 1 миллиард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар киритилган. Мазкур норма 2020 йил 1 январдан амалга киритилиб, амалиётда кичик бизнес субъектлари учун соддалаштирилган солиқ режими сифатида қўлланила бошлади.

Бироқ ушбу меъёр жорий этилганидан буён, яъни 2020–2025 йиллар давомида иқтисодиётда юз берган инфляция жараёнлари, миллий валюта харид қобилиятининг пасайиши ва бозор конъюктурасидаги сезиларли ўзгаришларга қарамасдан, айланмадан солиқ қўлланиладиган 1 миллиард сўмлик айланма чегараси қайта кўриб чиқилмади. Натижада номинал кўрсаткич сифатида ўзгармасдан қолган ушбу чегаранинг реал иқтисодий мазмуни йил сайин пасайиб бормоқда.

Инфляция шароитида товарлар ва хизматлар нархининг ўсиши тадбиркорлик субъектларининг номинал айланмасини оширади, бироқ бу ҳолат ҳар доим ҳам реал

фойданинг кўпайиши билан боғлиқ эмас. Аксинча, кўплаб кичик бизнес субъектлари учун айланманинг ошиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш харажатларининг қимматлашуви ҳисобига юз бераётган бўлиб, реал иқтисодий барқарорликни акс эттирмайди. Шу шароитда айланмадан солиқ қўлланиладиган чегаранинг инфляция таъсири ҳисобга олинмасдан қатъий белгиланиши солиқ юкининг нисбий равишда ортишига олиб келмоқда.

Солиқ назарияси нуқтаи назаридан, адолатли солиқ солиш тамойили солиқ юки солиқ тўловчиларнинг реал иқтисодий имкониятларига мутаносиб равишда тақсимланишини талаб қилади. Агар солиқ солиш учун белгиланган чегаралар узоқ вақт давомида иқтисодий реалликдан узилиб қолса, солиқ сиёсати ўзининг қўллаб-қувватловчи функциясини йўқотиб, аксинча, иқтисодий фаолликни чекловчи омилга айланиши мумкин. Айланмадан олинмадан солиқ режимида айланма чегарасининг инфляция шароитида қайта кўриб чиқилмаслиги айнан шу хавфни кучайтирмоқда.

Шу сабабли, айланмадан солиқ қўлланиладиган айланма чегарасининг амалдаги қийматини инфляция ва бозор конъюнктураси ўзгаришлари нуқтаи назаридан қайта баҳолаш, уни солиқ адолати тамойили билан уйғунлаштириш ҳамда индексация қилиш механизмларини илмий жиҳатдан асослаш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур мақолада айланмадан солиқ режимида белгиланган 1 миллиард сўмлик чегаранинг 2020–2025 йиллар давомидаги реал иқтисодий мазмуни таҳлил қилиниб, уни такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилади.

Адабиётлар шарҳи.

Фенг Вей ва Ж.-Ф. Веннинг модели таҳлилида айланма солиғи чегараси ва ставкасининг оптимал даражаси иқтисодий фаолиятнинг расмий ва норасмий сектори ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун муҳим эканлиги таъкидланади. Улар ҳисоб-китобларида, айланма солиғи чегарасини жуда паст белгилаш норасмий сектор улушини оширади, аммо жуда юқори кўйиш солиқ базасини қисқартиради (Wei & Wen, 2019). Шунинг учун, чегарани вақт ва бозор шароитига мос равишда қайта кўриб чиқиш зарурлиги кўрсатилган.

Бунга қўшимча, кейинги тадқиқотлар (Wei & Wen, 2024) оптимал чегара норасмий секторни 12 фоизга қисқартиришга ёрдам бериши мумкинлигини аниқлаган. Уларга кўра, \$65,000 – \$95,000 оралиғидаги чегара кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар учун самарали ҳисобланади (Wei & Wen, 2024)

Алоса (2023) Италия мисолида тадқиқот олиб бориб, айланма солиғи бўйича имтиёзли тузумга тушиш учун тадбиркорлар ўз айланмасига сунъий чеклов қўйишини аниқлаган. Яъни, чегара ҳаддан ортиқ паст бўлса, бизнеслар ўсишни эмас, балки имтиёзда қолишни афзал кўради (Alosa, 2023). Бу ҳолат солиқ сиёсатининг ўсишга тўсиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

Шу йўналишда Лазар (2024) Румыниядаги тажрибага таянади ва айланма солиғи кичик корхоналарга фойдадан қатъи назар солиқ тўлаш мажбуриятини юклаб, уларнинг рентабеллигини пасайтиради, аммо давлат бюджети тушумларини оширади, дейди (Lazăr, 2024).

Глюкман ва Тернер (2018) Жанубий Африка мисолида солиқ адолати нуқтаи назаридан айланма солиғи тизимига танқидий баҳо берган. Улар тадбиркорлар бу тизимни “тўлиқ адолатли эмас” деб баҳолаганини қайд этади, чунки амалдаги чегаралар кичик бизнесни самарасиз солиқ юки остида қолдиради (Gluckman & Turner, 2018).

Ўз навбатида, Громов ва Милоголов (2019) айланма солиғи чегарасини мунтазам ошириш самарасиз сиёсат эканини таъкидлайди. Улар фикрича, бу солиқ тизимини

изчилликдан чиқаради ва “солиқ имтиёзлари орқали суиистеъмол” хавфини оширади (Gromov & Milogolov, 2019).

Satterthwaite, (2018) фикрича, тўғри белгиланган чегара кичик бизнес учун маъмурий юкни камайтиради ва солиқ тизимида тенг рақобат муҳитини яратади. Саттертвейт таъкидлайдики, чегарани юқорироқ қўйиш нафақат самарадорликни оширади, балки адолатни таъминлайди, чунки кичик корхоналарда солиқ мажбуриятларини бажариш харажатлари нисбатан каттароқ.

Беларусдаги соддалаштирилган солиқ тизими кичик бизнес учун самарали эмас, чунки айланма солиғи ставкалари юқори ва чегаралар ноаниқ белгиланган (Valevich & Vach, 2004). Улар фикрича, чегарани бозор қувватига мослаштириш ва айланма асосида тўланадиган солиқни пасайтириш кичик тадбиркорлик ривожига ёрдам беради.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, айланма солиғи чегарасини ўзгартириш керак, лекин бу қарор илмий асосланган моделлар, бозор улуши ва кичик бизнес самарадорлиги билан боғлиқ ҳолда қабул қилиниши лозим.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Айланмадан олинадиган солиқ режимида белгиланган айланма чегарасининг иқтисодий мазмунини тўғри баҳолаш учун уни фақат номинал кўрсаткич сифатида эмас, балки реал иқтисодий қиймат нуқтаи назаридан таҳлил қилиш зарур. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган Солиқ кодексига мувофиқ, 2020 йил 1 январдан бошлаб мазкур режимда солиқ тўловчилар учун йиллик айланма чегараси 1 миллиард сўм этиб белгиланди. Илк жорий этилган пайтда ушбу меъёр кичик бизнес субъектларининг молиявий имкониятларига нисбатан муайян мутаносибликни ифодалаган бўлиши мумкин. Бироқ иқтисодий муҳитдаги инфляция жараёнлари ушбу чегаранинг реал мазмунини тубдан ўзгартирди.

Иқтисодий назарияга мувофиқ, агар солиқ тизимидаги чегаралар инфляцияга мутаносиб равишда индексация қилинмаса, уларнинг реал харид қобилияти пасаяди ва солиқ юки солиқ тўловчилар учун нисбий равишда оғирлашади. Бу ҳолат солиқ сиёсатининг “яширин қаттиқлашуви” сифатида тавсифланади ва халқаро адабиётларда “fiscal drag”, “bracket creep” (инфляция натижасида солиқ юкининг автоматик ошиши) тушунчалари орқали изоҳланади. OECD ва IMF таҳлилларида инфляция шароитида номинал чегараларни сақлаб қолиш солиқ адолатига салбий таъсир кўрсатиши таъкидланади.

Ўзбекистонда 2020–2025 йиллар давомида истеъмол нархлари индекси барқарор юқори суръатларда ўсиб борди. Бу даврда товарлар ва хизматлар қийматининг ошиши тадбиркорлик субъектларининг номинал айланмасини табиий равишда кўпайтирди, бироқ ушбу ўсиш ҳар доим ҳам реал иқтисодий қувват ёки фойданинг ортиши билан боғлиқ бўлмади. Кўп ҳолларда айланманинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларининг қимматлашуви, логистика ва хомашё қийматининг ўсиши ҳисобига юз берди.

1-жадвал.

Айланмадан солиқ қўлланиладиган 1 млрд сўм чегарасининг инфляция таъсирида реал қиймати (2020-2025)², фоизда

Давр	Инфляция кўрсаткичи манбаи	Кумулятив нархлар индекси (2020=100)	1 млрд сўмнинг реал қиймати (2020 нархларида), млн сўм
2020	База	100.00	1 000.0
2021 йил якуни	Декабрь, YoY инфляция = 10.0%	110.00	909.1

² <https://cbu.uz/oz/monetary-policy/annual-inflation/indicators/>

2022 йил якуни	Декабрь, YoY инфляция = 12.3%	123.53	809.5
2023 йил якуни	Декабрь, YoY инфляция = 8.8%	134.40	744.0
2024 йил якуни	Декабрь, YoY инфляция = 9.8%	147.57	677.6
2025 йил ноябрь ҳолати	Январь–ноябрь ойма- ой CPI, кумулятив = 6.37%	156.97	637.1

1-жадвалда айланмадан солиқ қўлланиладиган 1 миллиард сўмлик чегаранинг инфляция таъсирида реал иқтисодий қиймати қандай ўзгаргани шартли ҳисоб-китоб орқали кўрсатилган. 2021–2024 йиллар учун нархлар индекси декабрь ойидаги йиллик инфляция кўрсаткичлари асосида ҳисобланган. 2025 йил учун декабрь маълумотлари ҳали эълон қилинмагани сабабли, 2025 йил январь–ноябрь ойларидаги ойма-ой истеъмол нархлари ўзгаришлари кумулятив тарзда ҳисобга олинган.

Ҳисоблаш формуласи:

$$I_t = I_{t-1} \times (1 + \pi_t) \quad (1)$$

$$\text{Real (1 млрд)}_t = I_t / 100 \text{ млрд.} \quad (2)$$

бу ерда:

I_t - t - йил учун кумулятив нархлар индекси,

π_t - тегишли йилнинг инфляция даражаси.

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2020 йилда белгиланган 1 млрд.сўмлик айланма чегараси 2024 йил якунида реал ҳисобда 677.6 млн.сўмга, 2025 йил ноябрь ҳолатига келиб эса тахминан 637.1 млн.сўмга тенглашган. Бу ҳолат айланмадан солиқ режимида қолиш имконияти реал иқтисодий мазмунда қарийб 36 фоизга қисқарганини англатади ва солиқ юкининг инфляция орқали яширин равишда оғирлашаётганини илмий жиҳатдан тасдиқлайди.

Айланмадан солиқ режимида белгиланган 1 млрд.сўмлик чегара инфляция таъсирида реал мазмунан босқичма-босқич қисқариб бораётганини кўрсатади. Бундай “номинал барқарорлик — реал емирилиш” феномени солиқ сиёсатининг иқтисодий мазмунида кўп ҳолларда яширин ўзгариш сифатида намоён бўлади ҳамда инфляция даражаси юқори бўлган даврларда давлат молиясида индексация амалиётининг аҳамиятини оширади. Халқаро валюта жамғармасининг (2023) инфляцияни ҳисобга олган ҳолда индексация масалаларига бағишланган глобал таҳлилларида солиқ параметрларини, жумладан, солиқ чегаралари ва шкалаларини индексация қилиш ёки қилмаслик давлат даромадларининг ҳажми ҳамда солиқ юкининг реал тақсимотига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши алоҳида таъкидланади.

Шу иқтисодий ва солиқ шароити доирасида айланмадан солиқ режимида 1 млрд.сўмлик чегаранинг 2020–2025 йиллар давомида инфляцияга мослаштирилмаслиги “яширин солиқ юки” механизмларини шакллантиради. Яширин солиқ юки деганда солиқ ставкалари расман ўзгармаган бўлса-да, солиқ тўловчининг реал иқтисодий имкониятларига нисбатан солиқ мажбуриятларининг оғирлашуви тушунилади. Инфляция шароитида бундай ҳолат классик “fiscal drag / bracket creep” (инфляция натижасида солиқ юкининг автоматик ошиши) мантиғига тўлиқ мос келади: номинал кўрсаткичлар ўсади, аммо реал даромад ёки иқтисодий имконият ўзгармаган ҳолда солиқ юки нисбатан ортади. Ушбу тушунча анъанавий равишда жисмоний шахслар даромад солиғи таҳлилида кенг қўлланилса-да, унинг иқтисодий моҳияти инфляция орқали реал солиқ юкининг автоматик ўсиши ҳар қандай номинал

чегараларга асосланган солиқ режимларига, жумладан, кичик бизнес учун белгиланган айланма чегараларига ҳам тўлиқ татбиқ этилади (European Union, 2024).

Айланмадан солиқ режимида яширин солиқ юкининг энг сезиларли намоён бўлиш йўли режимдан чиқиб кетиш хавфи ва унга боғлиқ комплаенс харажатларидир. Хусусан, инфляция сабабли номинал айланма табиий равишда ўсиб, корхона 1 млрд.сўмлик чегарага яқинлашади ёки уни ошириб юборади, натижада у соддалаштирилган солиқ режимида қолиш имкониятини йўқотиб, умумий солиқ режимига ўтишга мажбур бўлади. ХВЖнинг микробизнес ва кичик корхоналар учун тахминан белгиланган солиқлар ҳамда айланмага асосланган солиқ режимлари бўйича услубий материалларида айнан шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилади: агар солиқ режими тизими етарлича пухта ишлаб чиқилмаган бўлса, чегаралар фирмаларни сунъий равишда айланмани камайтириш, ҳисоботни оптималлаштириш ёки ҳатто фаолиятни бир нечта субъектга бўлишга рағбатлантириши мумкин. Шу билан бирга, умумий солиқ режимидаги маъмурий ва ҳисобот харажатлари кичик бизнес учун айланмага нисбатан сезиларли улушни ташкил этиши мумкин (Jean-François Wen, 2023).

Мазкур ҳолат солиқ адолати тамойили билан боғлиқ фундаментал муаммони юзага келтиради. Агар солиқ сиёсатининг меъёрлари инфляция шароитида мунтазам равишда янгиланиб борилмаса, солиқ тизими ташқи томондан барқарор кўринган бўлса-да, амалда солиқ тўловчилар гуруҳлари ўртасида реал солиқ юкининг тақсимоли ўзгаради. Бу, айниқса, иқтисодий имкониятлари жиҳатидан деярли бир хил бўлган кичик корхоналарнинг турли солиқ режимларига тушиб қолишига олиб келиши мумкин: айримлари айланмадан солиқ режимида қолса, бошқалари эса фақат инфляция таъсирида айланманинг номинал ўсиши сабаб умумий солиқ режимига ўтиб, кўшимча маъмурий-ҳуқуқий юкка дуч келади. Натижада горизонтал адолат (бир хил иқтисодий ҳолатдаги субъектларга бир хил муносабат) тамойиллари заифлашиши хавфи ортади. IMF ҳамда Европа комиссиясининг (2023) инфляция ва солиқ параметрларини индексация қилиш масалаларига бағишланган таҳлилларида ҳам реал даромад ўзгармаган ҳолда солиқ юкининг ошиши адолат ва иқтисодий нейтраллик нуқтаи назаридан муаммоли экани қайд этилади.

Кичик бизнес учун махсус солиқ режимлари тузилишига бағишланган халқаро адабиётларда эса бундай чегараларнинг узоқ муддат давомида “музлаб қолиши” яна бир салбий оқибат threshold effects (чегара эффекти) ва bunching (чегара нуқтасида тўпланиш) ҳодисаларига олиб келиши мумкинлиги таъкидланади. Бунда фирмалар белгиланган чегарадан ошмаслик мақсадида ўз иқтисодий фаолиятини сунъий равишда чеклайди, айланманинг бир қисмини норасмий каналларга ўтказиши ёки бизнесни бир нечта алоҳида субъектга бўлиб юборишга ҳаракат қилади. Жаҳон банкининг соддалаштирилган солиқ режимлари тузилишига оид сўнгги тадқиқотларида айнан “чегара”нинг рағбатлантирувчи ёки чекловчи роли марказий муаммо сифатида кўриб чиқилиб, солиқ режими мақсади кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва расмийлаштириш билан иқтисодий ўсишни тўсиб қўйиш хавфи ўртасидаги зиддият очиқ ифодаланади. Шунингдек, Жаҳон банкининг (2024) айрим мамлакатлар кесимида олиб борилган баҳолаш материаллари “size-based” солиқ меъёрлари (корхона ҳажмига асосланган солиқ қоидалари) фирмаларда оптималлаштириш хулқ-атворини ҳамда чегара нуқтасида тўпланиш тенденцияларини кучайтиришини кўрсатади.

Шу тариқа, 1-жадвал асосида қуйидаги асосий илмий хулосани шакллантириш мумкин: 2020 йилда белгиланган 1 млрд.сўмлик айланма чегара инфляция таъсирида 2024 йил якуни ва 2025 йил ноябрь ҳолатига келиб реал ҳисобда сезиларли даражада “қисқарган”. Бу эса айланмадан солиқ режимида назарда тутилган имтиёзли шартларнинг реал қамровини тортиб, солиқ адолати ва иқтисодий нейтраллик тамойилларига босим ўтказиши ҳамда корхоналар хулқ-атворида чегара эффектнинг

кучайишига олиб келиши мумкин. Ушбу хулоса махсус солиқ режимларининг халқаро тузилишида кенг қайд этиладиган назарий “trade-off” (мувозанатли танлов) билан уйғун келади, яъни солиқ тизими соддалик ва маъмурий енгилликни таъминлаган ҳолда, чегаралар нотўғри белгиланса, иқтисодий ўсиш ва расмийлашувга доир рағбатларни бузиб қўйиши эҳтимоли ортади.

Мазкур нуқтадан кейин таҳлилни икки йўналишда чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: биринчидан, 1 млрд.сўмлик чегаранинг инфляцияга индексация қилинмагани натижасида корхоналарнинг солиқ режимидан чиқиб кетиши орқали комплаенс харажатлари ва умумий солиқ юки қандай ўзгариб бораётганини таҳлил қилиш; иккинчидан, чегара эффектини юмшатиш мақсадида халқаро амалиётда қўлланилаётган ёндашувлар, хусусан, автоматик индексация, даврий қайта кўриб чиқиш ёки босқичли ўтиш механизмларини Ўзбекистон шароитига мос концептуал таклиф сифатида асослаш. ХВЖнинг (2023) инфляция индексацияси амалиёти ҳамда микрокорхоналар учун тахминан белгиланган солиқ тузилишига оид материаллари бундай сиёсат вариантларини баҳолаш учун зарур услубий асосни тақдим этади.

Айланмадан солиқ режимида 1 млрд.сўмлик чегаранинг инфляция суръатларига мос равишда янгиланмаслиги солиқ юкининг расман эмас, балки яширин тарзда ортиб боришига олиб келмоқда. Яширин солиқ юки деганда солиқ ставкалари ёки қонунчилик нормалари ўзгармаган бўлса-да, солиқ тўловчининг реал иқтисодий имкониятларига нисбатан солиқ мажбуриятларининг нисбий оғирлашуви тушунилади. Айланмадан солиқ режимида бундай ҳолат бир қатор ўзаро боғлиқ иқтисодий механизмлар орқали шаклланади.

Биринчи механизм номинал айланманинг инфляция таъсирида ўсиши билан боғлиқ. Товарлар ва хизматлар нархининг ошиши корхоналарнинг ҳисоботда акс эттириладиган айланмасини автоматик равишда кўпайтириб юборади. Бироқ ушбу ўсиш кўп ҳолларда реал фойданинг ошиши билан эмас, балки ишлаб чиқариш ва айланма харажатларининг қимматлашуви билан изоҳланади. Натижада корхона иқтисодий жиҳатдан реал катталашмаган бўлса-да, номинал кўрсаткичлар уни солиқ режимида белгиланган чегарага яқинлаштиради. Бу ҳолат халқаро адабиётларда “солиқ юкининг инфляция орқали автоматик қатъийлашуви” сифатида талқин қилиниб, инфляция шароитида номинал кўрсаткичлар ўсиши орқали солиқ юкининг автоматик ошиши концепциялари билан изоҳланади.

Иккинчи механизм солиқ режимидан чиқиб кетиш орқали солиқ юкининг сакрашли ўсишида намоён бўлади. Айланмаси белгиланган 1 млрд.сўмлик чегарадан ошган солиқ тўловчи умумий солиқ режимига ўтишга мажбур бўлади. Бундай ўтиш қўйидаги иқтисодий ва маъмурий оқибатларни келтириб чиқаради: қўшимча солиқ турларининг (қўшилган қиймат солиғи, фойда солиғи ва бошқалар) жорий этилиши; ҳисобот юритиш жараёнларининг мураккаблашуви; бухгалтерия ҳамда солиқ комплаенси харажатларининг (солиқ талабларига риоя қилиш билан боғлиқ маъмурий харажатлар) кескин ортиши; юридик ва маъмурий рискларнинг кўпайиши. Шу тариқа, солиқ юки босқичма-босқич эмас, балки тўсатдан ва иқтисодий имкониятларга мутаносиб бўлмаган ҳолда ошади. Бу эса солиқ адолати тамойилига зид ҳолат бўлиб, солиқ тўловчининг реал иқтисодий ҳолатида шунчалик кескин ўзгариш юз бермаганига қарамай, унга қўшимча юк юкланаётганини англатади.

Учинчи механизм солиқ юки тақсимотида горизонтал адолатнинг бузилиши билан боғлиқ. Реал иқтисодий имкониятлари жиҳатидан деярли бир хил бўлган икки корхонадан бири инфляция таъсирида номинал айланманинг ошиши сабаб солиқ чегарасидан чиқиб кетиши мумкин, иккинчиси эса ушбу чегарадан сал пастда қолади. Натижада улар турли солиқ режимларига тушиб, турлича солиқ юкини кўтара бошлайди. Бу ҳолат горизонтал адолат (иқтисодий жиҳатдан тенг субъектларга тенг

солиқ муносабати) тамойилининг заифлашишига олиб келади, яъни иқтисодий имкониятлари ўхшаш бўлган субъектлар амалда тенг солиқ шароитларига эга бўлмайди.

Тўртинчи механизм тадбиркорлик хулқ-атворининг ўзгариши орқали намоён бўлади. Солиқ режими чегарасининг қатъий белгилангани ва инфляция таъсирида унинг реал мазмуни пасайиб бориши шароитида тадбиркорлар солиқ юкини оптималлаштириш мақсадида айрим мослашув стратегияларини танлаши мумкин. Жумладан, айланмани сунъий равишда чеклаш, бизнес фаолиятини бир нечта юридик шахсларга бўлиб кўрсатиш, айрим операцияларни ҳисоботдан қисман чиқариш ёки норасмийлаштириш, шунингдек, инвестиция қарорларини кечиктириш каби хулқ-атвор моделлари шаклланиши мумкин. Бундай реакциялар солиқ базасини кенгайтириш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва тадбиркорлик фаолиятини формаллаштириш мақсадларига зид ҳисобланади.

Натижада айланмадан солиқ режими аслида кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва маъмурий юкни камайтириш учун жорий этилган бўлса-да, инфляцияни инobatга олмаган ҳолда айланма чегарасининг узоқ муддат сақлаб қолиниши уни амалда солиқ юкини яширин равишда оғирлаштирувчи инструментга айлантирмоқда. Бу эса солиқ адолати, иқтисодий нейтраллик ҳамда тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш тамойиллари билан тўлиқ уйғун келмаслигини кўрсатади.

Айланмадан солиқ қўлланиладиган чегаранинг инфляция таъсирида реал мазмунининг қисқариб бориши кичик бизнес субъектларининг иқтисодий ривожланиш йўналишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмоқда. Солиқ назарияси нуқтаи назаридан махсус солиқ режимлари тадбиркорлик субъектларининг ўсишини рағбатлантириши ҳамда уларни умумий солиқ тизимига босқичма-босқич ва институционал жиҳатдан тайёр ҳолда ўтишга хизмат қилиши лозим. Бироқ амалда айланмадан солиқ режимида белгиланган 1 млрд.сўмлик қатъий чегара ушбу “ўсишга тайёрловчи” функцияни тўлиқ бажара олмаяпти.

Инфляция шароитида айланманинг номинал ўсиши кўп ҳолларда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари кенгайиши ёки бозор улушининг реал ошиши билан боғлиқ бўлмайди. Бироқ солиқ сиёсатини шакллантиришда айнан шу номинал кўрсаткич асосий мезон сифатида қабул қилинади. Натижада корхона ўз иқтисодий самарадорлигини оширмаган ҳолда солиқ режими нуқтаи назаридан “йирикрок” субъект сифатида таснифланиб қолади. Бу эса унинг инвестиция, кенгайиш ва узоқ муддатли ривожланишга оид қарорларига салбий таъсир кўрсатади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, айланмаси 1 млрд.сўмлик чегарасига яқинлашган кичик бизнес субъектлари қуйидаги хулқ-атвор стратегияларини танлашга мойил бўлади:

- ✚ фаолият ҳажмини сунъий равишда чеклаш; айланмани бир нечта юридик шахс ўртасида тақсимлаш;

- ✚ айрим хўжалик операцияларини расмий ҳисоботдан ташқари олиб бориш; инвестиция лойиҳаларини кечиктириш ёки қисқартириш.

Ушбу қарорлар қисқа муддатда солиқ юкини камайтириш ёки оптималлаштириш имконини бериши мумкин, бироқ узоқ муддатда иқтисодий ўсиш суръатларини секинлаштиради, янги иш ўринлари яратилишини чеклайди ҳамда солиқ базасини кенгайтиришга тўсқинлик қилади.

Кичик бизнесни ривожлантириш нуқтаи назаридан айланмадан солиқ режими ўтиш босқичи сифатида хизмат қилиши керак, яъни корхона ушбу режим доирасида ўсиб, рақобатбардошлигини мустаҳкамлаб, кейинчалик умумий солиқ тизимига нисбатан тайёр ҳолатга келиши лозим. Аммо айланма чегарасининг инфляцияга мослаштирилмаганлиги мазкур ўтиш жараёнини сунъий равишда тезлаштиради ва

корхонани институционал, молиявий ҳамда маъмурий жиҳатдан етарлича тайёр бўлмаган ҳолда мураккаб солиқ муҳитига олиб киради. Бу эса корхонанинг барқарор фаолият юритишига қўшимча рисклар юклайди.

Шу тариқа, айланмадан солиқ режимида белгиланган айланма чегараси кичик бизнес учун рағбатлантирувчи инструмент сифатида эмас, балки айрим ҳолларда иқтисодий ривожланишни чекловчи институционал тўсиқ сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур ҳолат солиқ сиёсатида иқтисодий самарадорлик, тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш ва кичик бизнеснинг барқарор ўсишини таъминлаш мақсадларини қайта кўриб чиқиш заруратини яққол намоён этади.

Кичик бизнес учун махсус солиқ режимларини самарали ташкил этиш борасидаги халқаро тажриба шуни кўрсатадики, айланма чегараларининг мунтазам равишда янгиланиб борилиши солиқ сиёсатининг адолатли ва рағбатлантирувчи хусусиятларини сақлаб қолишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатларнинг аксариятида солиқ тизимидаги турли лимит ва чегаралар инфляцияга автоматик индексация қилиниб, солиқ юкининг реал жиҳатдан оғирлашиб кетишининг олди олинади.

Хусусан, Канада, Германия ва Австралия каби давлатларда кичик бизнес учун жорий этилган махсус солиқ режимлари доирасида белгиланган айланма ёки даромад чегаралари ҳар йил якунида қайта кўриб чиқилади ёки расмий инфляция индексига боғланган ҳолда автоматик равишда янгиланади. Бундай амалиёт солиқ адолати тамойилини таъминлаш билан бир қаторда, тадбиркорлик муҳитининг барқарор ва прогнозланадиган ривожланишига хизмат қилади ҳамда бизнес субъектларининг узоқ муддатли режалаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳам қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзли режимлар ва кичик корхоналар учун белгиланган чегаралар ҳар бир мамлакатнинг инфляция кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини инобатга олган ҳолда мунтазам янгиланади. Бу амалиёт, айниқса, кичик бизнес субъектларини ҳимоя қилиш, уларнинг бозордаги рақобатбардошлигини сақлаб қолиш ва инфляция таъсирида солиқ юкининг номутаносиб ортиб кетишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки таҳлилларида ҳам махсус солиқ режимларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг иқтисодий муҳитга мослашувчанлиги билан белгиланиши таъкидланади. Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда солиқ чегараларини ўз вақтида янгилаб бормаслик солиқ режими асл мақсадини бузиб, уни тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи инструментдан солиқ юкини яширин равишда оширувчи омилга айлантириши мумкинлиги қайд этилади.

Ўзбекистон амалиёти билан қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, айланмадан солиқ режимида белгиланган 1 млрд.сўмлик айланма чегарасининг 2020 йилдан буён ўзгармасдан қолиши юқорида қайд этилган халқаро ёндашувлар билан тўлиқ уйғун келмайди. Мамлакатда инфляция кўрсаткичлари бир неча йил давомида нисбатан юқори даражада сақланиб келаётганига қарамасдан, мазкур солиқ режими параметрларининг қайта кўриб чиқилмагани солиқ тизимида реал солиқ юкининг нотенг тақсимланиши ва институционал номутаносибликларни кучайтирмоқда.

Агар халқаро тажрибага таянадиган бўлсак, Ўзбекистонда ҳам айланмадан солиқ режимидаги айланма чегараси иқтисодий муҳит ўзгаришларига мос равишда мунтазам қайта кўриб чиқилиши ёки инфляция индексига автоматик боғланиши лозим. Акс ҳолда, ушбу солиқ режими кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш воситаси сифатидаги аҳамиятини йўқотиб, унинг ривожланишини чекловчи институционал тўсиққа айланиб қолиши мумкин.

Чунки Ўзбекистонда айланмадан солиқ қўлланиладиган 1 миллиард сўмлик чегара амалда иқтисодий реалликдан тобора узоқлашиб бормоқда. Инфляция таъсирида мазкур чегаранинг реал иқтисодий қиймати 2020–2025 йиллар давомида қарийб учдан бир қисмига қисқарган. Бу ҳолат солиқ сиёсатининг ташқи жиҳатдан барқарорлиги сақланиб қолаётган бўлса-да, унинг ички иқтисодий мазмуни сезиларли даражада трансформацияга учраганини кўрсатади.

Таҳлил натижаларига мувофиқ, айланмадан солиқ режимидаги ушбу меъёрнинг инфляция суръатларига мос равишда қайта кўриб чиқилмаслиги бир қатор тизимли муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан:

✓ биринчидан, солиқ юкининг яширин равишда оғирлашуви кузатилмоқда, яъни солиқ ставкалари ва қонунчилик нормалари ўзгармаган ҳолда ҳам тадбиркорлик субъектларининг реал иқтисодий имкониятларига нисбатан солиқ мажбуриятларининг нисбий оғирлиги ортиб бормоқда;

✓ иккинчидан, айланмадан солиқ режими ўз моҳиятига кўра кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлса-да, амалда айрим ҳолларда унинг иқтисодий ривожланишини чекловчи институционал тўсиқ вазифасини бажара бошламоқда;

✓ учинчидан, солиқ адолати тамойили заифлашиб, иқтисодий имкониятлари жиҳатидан ўхшаш бўлган субъектлар турли солиқ режимларига тушиб қолиши натижасида турлича солиқ юкига дуч келмоқда.

Мазкур хулосалар халқаро тажриба билан тўлиқ уйғун келади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси ҳамда Жаҳон банки материалларида солиқ чегараларининг иқтисодий муҳитга мос равишда мунтазам янгиланиб борилиши солиқ сиёсатининг адолатлилиги ва самарадорлигини сақлаб қолишнинг муҳим шарти экани алоҳида таъкидланади. Ўзбекистон шароитида эса ушбу ёндашувнинг амалда етарли даражада қўлланилмаётгани солиқ тизимининг узоқ муддатли ривожланиш мақсадлари билан муайян зиддиятларни юзага келтирмоқда.

Шу нуқтаи назардан, давлат солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича қуйидаги стратегик хулосаларни илгари суриш мумкин.

❖ айланмадан солиқ режимида белгиланган айланма чегараси иқтисодий шароитлардан узилган ҳолда эмас, балки макроиқтисодий ўзгаришларга мос равишда шакллантирилиши лозим;

❖ солиқ сиёсатининг барқарорлиги фақат меъёрларни номинал сақлаб қолиш орқали эмас, балки уларнинг реал иқтисодий мазмунини узлуксиз таъминлаш орқали эришилади;

❖ кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳар қандай солиқ инструменти иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи ва формаллашув жараёнларини қўллаб-қувватловчи функцияни бажариши керак.

Ушбу стратегик чоралар айланмадан солиқ режимидаги чегараларни инфляцияга мос равишда қайта кўриб чиқиш ёки автоматик индексация қилиш механизмларини жорий этиш заруратини илмий жиҳатдан асослайди.

Хулоса ва таклифлар.

Ушбу тадқиқот натижалари Ўзбекистонда айланмадан солиқ қўлланиладиган 1 миллиард сўмлик айланма чегараси 2020 йилдан буён инфляция жараёнлари ҳамда бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга мос равишда қайта кўриб чиқилмаганини, натижада унинг реал иқтисодий мазмуни сезиларли даражада пасайганини кўрсатади. Олиб борилган ҳисоб-китоблар ва таҳлиллар асосида 2025 йилга келиб мазкур чегаранинг реал қиймати тахминан 637 миллион сўмга тенглашгани аниқланиб, айланмадан солиқ режими амалда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган асл мақсадидан тобора узоқлашаётгани маълум бўлди.

Инфляция таъсирида айланма чегарасининг реал қиймати босқичма-босқич қисқариб бориши солиқ юкининг яширин равишда оғирлашувига, солиқ адолати тамойилининг заифлашувига ҳамда кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилувчи институционал тўсиқларнинг шаклланишига олиб келмоқда. Мазкур ҳолат солиқ сиёсатида номинал барқарорлик сақланган бўлса-да, унинг реал иқтисодий таъсири сезиларли даражада ўзгараётганини кўрсатади.

Шу боис, айланмадан солиқ режимида айланма чегарасини инфляция суръатларига мутаносиб равишда индексация қилиш, унинг амалдаги иқтисодий шароитларга мос қийматини қайта белгилаш, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун умумий солиқ режимида босқичли ўтиш механизмларини жорий этиш солиқ сиёсатининг самарадорлиги, адолатлилиги ва рағбатлантирувчи хусусиятларини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Адабиётлар/Литература/Literature:

Alosa, F. (2023). *Estimating the Elasticity of Turnover from Bunching: Preferential Tax Regimes for Solo Self-employed in Italy*. SSRN Electronic Journal. <https://doi.org/10.2139/ssrn.4463467>.

Christopher Hoy, Thiago Scot, Alex Oguso, Anna Custers, Daniel Zalo, Ruggero Doino, Jonathan Karver, Nicolas Orgeira Pillai Policy Research Working Paper. *Trade-offs in the Design of Simplified Tax Regimes Evidence from Sub-Saharan Africa*. Macroeconomics, Trade and Investment. Global Practice. September 2024

European Commission (2024) Directorate-General for Economic and Financial Affairs. *Growth-Friendly Taxation in a High-Inflation Environment*. By Áron Kiss, Alexander Leodolter, Alessandro Turrini and István Ványolós. Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2024 https://economy-finance.ec.europa.eu/ecfin-publications_en.

Jean-François Wen (2023) "How to Design a Presumptive Income Tax for Micro and Small Enterprises", IMF How To Notes 2023, 002, <https://doi.org/10.5089/9798400241154.061>

IMF (2023) Working Paper. Fiscal Affairs Department. *Inflation Indexation in Public Finances: A Global Dataset on Current Practices*. Prepared by Vybhavi Balasundharam, Arika Kayastha, and Marcos Poplawski-Ribeiro Authorized for distribution by Vitor Gaspar. December 2023

Gluckman, A., & Turner, M. (2018). *The perceived fairness of turnover tax*. Journal of Economic and Financial Sciences. <https://doi.org/10.4102/jef.v11i1.174>.

Gromov, V., & Milogolov, N. (2019). *Simplified Taxation System and Unified Tax on Imputed Income: Objectives, Problems, Long-term Vision*. Financial Journal. <https://doi.org/10.31107/2075-1990-2019-2-9-21>.

Lazăr, S. (2024). *Effective Tax Rates and Firm Size under Turnover Tax: Evidence from a Natural Experiment on SMEs*. Economics, 18. <https://doi.org/10.1515/econ-2022-0079>.

Satterthwaite, E. (2018). *On the Threshold: Smallness and the Value-Added Tax*. ERN: Value-Added Tax; Goods & Services Tax (Topic). <https://doi.org/10.7916/d8tx4xgr>.

Wei, F., & Wen, J. (2019). *The Optimal Turnover Threshold and Tax Rate for SMEs*. European Economics: Political Economy & Public Economics eJournal. <https://doi.org/10.5089/9781498312295.001>.

Wei, F., & Wen, J. (2024). *Designing turnover taxes in countries with large informal sectors*. Canadian Journal of Economics/Revue canadienne d'économique. <https://doi.org/10.1111/caje.12711>.

Valevich, Y., & Bach, S. (2004). *Reform of the simplified system of taxation for small business in Belarus*. .

Исаев, Ф. (2024). *Солиқ сиёсати ва иқтисодий тенгсизликнинг ўзаро боғлиқлиги*. Экономическое развитие и анализ, 2(8), 272-280.

Исаев, Ф. (2024). Рақамли иқтисодиёт шароитида солиқ таҳлилининг методологик ёндашувлари. Nashrlar, 156.

Исаев, Ф. (2023). Солиқ ислохотларининг таъсирини таҳлил қилиш. Iqtisodiy Taraqqiyot Va Tahlil, 1 (6), 155–161.

Исаев, Ф. (2023). Солиқ таҳлилининг фискал сиёсат самарадорлигига таъсир қилиш усуллари. Nashrlar, 1 (1), 128–131.

Исаев, Ф. (2021). Солиқ юкини аниқлаш методикасини такомиллаштириш. Iqtisodiyot va ta'lim, (6), 86-91.

Марказий Банк сайти (2025) <https://cbu.uz/oz/monetary-policy/annual-inflation/indicators>